

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

145 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 1 мартдаги ПП–1929-сонли қарорига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Халқаро қуёш энергияси институти фаолияти самарадорлигини ошириш, уни ўз жорий харажатларини ўзининг ҳисобидан молиялашга босқичма-босқич ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 1 мартдаги ПП–1929-сонли қарорига иловага* мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 28 февраль,
ПҚ–2804-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.